

**«Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖнинг**

**«Одоб-ахлоқ комиссияси»нинг таркиби:**

1	<b>Б.Обидов</b>	<b>Эксплуатация ва техник масалалар буйича директор. Комиссия раиси.</b>
2	<b>Ф.Султонов</b>	<b>Молия - иктисод ва энергосотиш масалалари буйича директор. Комиссия аъзоси.</b>
3	<b>О.Кучкаров</b>	<b>Умумий масалалар буйича директор. Комиссия аъзоси.</b>
4	<b>У.Алиев</b>	<b>Ходимларни бошқариш булими бошлиги. Комиссия аъзоси.</b>
5	<b>Ш.Уринбоев</b>	<b>Касаба уюшма кумитаси раиси. Комиссия аъзоси.</b>
6	<b>Д.Кобулов</b>	<b>Бош юрисконсулт. Комиссия аъзоси.</b>
7	<b>У.Бахромов</b>	<b>Корпоратив муносабатлар сектори бошлиги. Комиссия аъзоси</b>

“Андижон худудий электр тармоклари корхонаси”

АЖ нинг 2017 йил 03 январь

01 сонли буйруғига 2-илова

**ТАСДИКЛАЙМАН :**  
**«Андижон ХЭТК» АЖ**  
**Бош директори**

**И. Хакимов**

**“Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ ходимларининг  
одоб-ахлоқ коидалари.**

- I. Умумий коидалар.
- II. Ходимларнинг хизмат вақтидаги хулқ-атвори, хатти-харакати коидалари.
- III. Хизмат вақтидаги манфаатлар карама каршилигини олдини олиш.
- IV. “Одоб-ахлоқ коидалари”ни бузганлик учун жавобгарлик.

**I. УМУМИЙ КОИДАЛАР**

1.1 Ушбу “Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ ходимларининг одоб-ахлоқ коидалари (кейинги матнда -“Одоб-ахлоқ коидалари”) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ НАМУНАВИЙ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА”ги 62-сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб ходимларнинг эгаллаб турган лавозимидан катъий назар, касбий одоб-ахлоқининг умумий тартиблари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий коидалари йиғиндисини ифодалайди.

1.2 “Одоб-ахлоқ коидалари” Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланиб, фуқароларнинг ҳуқуқларига ва эркинликларига катъий риоя қилган ҳолда ходимлар ичида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, ходимларнинг юксак ҳуқуқий онги, хулқ-атворини тугри шакллантиришга йуналтирилган.

1.3 “Одоб-ахлоқ коидалари”нинг асосий вазифаси электр энергетикаси соҳаси ходимларининг касб-этикаси, муомила маданиятини янада юксалтириш, электр энергияси истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қафолатловчи қонун ҳужжатларига катъий риоя этилишини таъминлаш, мансабни суистеъмол қилиш, таъмағирлик ва бошқа ноҳўя хатти-харакат (харакатсизлик)ларни содир этиш каби ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишдан иборат.

1.4 “Одоб-ахлоқ коидалари” эгаллаб турган лавозимидан катъий назар, электр энергетикаси соҳаси ходимларининг ҳалоллик, ҳолислик, одиллик, хушфееълик, жамоатчилик ишончи, тугрилик, масъуллик, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устунлиги, ватанпарварлик, ор-номус ва гурур принципларига асосланган бўлиши лозимлигини уқтиради.

1.5 Ушбу “Одоб-ахлоқ коидалари”нинг моҳияти - қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда ходимларнинг иш вақтидаги ҳуққ-атворлари, ходимнинг меҳнат ва ўз вазифасига бўлган муносабатлари ва жамият томонидан ўрнатилган “Одоб- ахлоқ коидалари талаблари”га риоя этишларидир.

“Одоб-ахлоқ коидалари”га риоя этиш, унга амал қилиш, ходимнинг касбий фаолиятини ва хизматдаги ҳуққ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

“Андижон ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси” АЖда меҳнат фаолиятини бошлаётган ҳар қандай шахс “Одоб-ахлоқ коидалари” билан таништирилиши ва танишганлик ҳақидаги имзо билан коидаларга амал қилишга рози эканлигини билдиришлари шарт.

## **II. ХОДИМЛАРНИНГ ХИЗМАТ ВАҚТИДАГИ ХУҚҚ-АТВОРИ, АСОСИЙ ХАТТИ-ХАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ**

2.1. Ходимлар ўз касбий фаолиятларини қуйидаги коидалар асосида амалга оширишлари керак:

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойлик;
- давлат ва жамият манфаатларининг устуворлиги уларга содиқлик;
- адолатпарварлик, ҳалоллик ва ҳолислик;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

2.2 Ходимлар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

- хизмат вазифаларини бажаришда жамият ички тартиб-қоидалари ва унинг талабларига қатъий риоя этиш;

- ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий маҳорат даражасида бажариш;

- юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари, чиқарилган буйруқлари ҳамда қонуний топшириқларини ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш;

- ўз фаолиятларини қонун ҳамда жамият ички тартиб ҳужжатларига амал қилган ҳолда амалга ошириш;

- белгиланган лавозим ваколатлари доирасида фаолият қўрсатиш;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқаролар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, уларни қамситилишига йўл қўймаслик;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўқинлик қилувчи ҳар қандай шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган ҳатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

- норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва таъқиқларга қатъиян риоя қилиш;

- ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир қўрсатиш имқониятига йўл қўймаслик;

- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлат халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник ижтимоӣ гуруҳлар ва қонфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоӣ барқарорликка, миллатлараро тотувликка қўмақлашиш;

- ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган ҳуққ-атвордан узини тийиш, шунингдек, ўз обрусига ёки “Андижон ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси” АЖнинг обрусига зарар етқизиши мумкин бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

- хизмат мавкеидан давлат органлари, бошка ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фукаролар фаолиятига ноқонуний таъсир курсатиш учун фойдаланмаслик;

- хабарлар ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига амал қилиш.

2.3 Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий бахоналар ва бошка субъектив сабаблар ходимларнинг қонун ҳужжатлари талабларини ва “Одоб-ахлоқ қоидалари”ни бузилиши учун асос бўла олмайди.

2.4 Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, ходимга ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача фойда кўриш таъқиқланади.

2.5 Ходимлар коррупция (порага сотилиш, тил бириктириш) ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг тадбирларига фаол қўмақлашиши керак;

ходимлар ўз раҳбарини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахслар томонидан қилинган мурожаатларни барча ҳолатлари, ходимлар ва хизматчилари томонидан содир этилган бошка ҳуқуқбузарликларни ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилишлари шарт.

2.6 Жамият раҳбарлари шахслар томонидан қонунчиликнинг бузилиши далиллари тугрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек, бошқача шаклда танқид қилганлиги учун уларни ишдан бушатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

2.7 Ходимлар касбий фаолияти давомида ўзларига маълум булган ахборотнинг сакланишини ва махфийлигини таъминлашлари шарт, уларнинг ошқор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

2.8 Ҳар бир раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори маҳоратлилик, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, жамиятда, унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида юксак маънавий-психологик муҳит шаклланишига қўмақлашиши лозим, у ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Қадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар:

- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан уз вақтида чора-тадбирлар қилиши;

- коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

- ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.

2.9 Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматда ҳулк-атвор тартиблари, қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига чора кўрмаганлиги учун жавобгар булади.

2.10 Ходимлар:

- ўзларининг хизматдаги ҳулк-атворлари билан жамоада ва бошка хизматчилар билан ўзаро ишчанлик ҳамда амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилган бўлиши;

- ҳушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фукаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши;

- ходимлар ўзига бўйсунувчиларга ва фукароларга нисбатан куполлик килмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-киммати камситмаслиги, уларга психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш холатларига йўл кўймаслиги;

- хизмат вазифаларини бажариш вақтида ходимларнинг ташки курилиши иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боглик холда умумий кабул килинган иш услубига мувофик булиши;

- хизматда расмийлиги, вазминлиги ва тартиблиги билан бошкалардан ажралиб туриши ва ушбу юкорида курсатилган кўрсаткичлари билан фукароларнинг “Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ га нисбатан хурмат билан караш муносабатида бўлишларини таъминлаш лозим.

2.11 Ходимлар хизматдан ташкари вақтларда ҳам умумий кабул килинган одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишлари, гайри ижтимоий хатти-харакатларга йўл кўймаслиги керак.

### **III. ХИЗМАТ ВАҚТИДАГИ МАНФААТЛАР КАРАМА ҚАРШИЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ.**

3.1 Ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўкнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик холатларига йўл кўймасликлари керак.

Манфаатлар тўкнашуви ходимларнинг шахсий манфаатлари, уларнинг уз хизмат вазифаларини холисона ва бегараз бажаришига таъсир курсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган холатларда пайдо булади.

Ходимларнинг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки якин кариндошлари, шунингдек улар якин ёки ишбилармонлик муносабатларида буладиган бошка шахслар учун хар кандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

3.2 Манфаатлар тўкнашуви юзага келган такдирда ходим ўз рахбарини дархол хабардор килиши керак.

3.3 Манфаатлар тўкнашуви мавжудлиги тугрисидаги маълумотни олган рахбар уни тартибга келтириш буйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

3.4 Ходимлар уз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига зарар етказиши мумкин булган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек лавозимни эгалламаслиги керак.

3.5 Ходимлар хар кандай холатларда ҳам ўз хизмат мавкеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

3.6 Ходимлар ўз рахбарларини манфаатлар тўкнашувига йўл кўймаслик буйича чоралар кўриш максатида тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этиши тўгрисида хабардор килишлари шарт.

3.7 Хар кандай ходим лавозимга тайинланаётганида ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин булган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд булиши мумкинлиги тўгрисида маълум килиши шарт.

### **IV. ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.**

4.1 Ходим томонидан “Одоб-ахлоқ қоидалари”нинг бузилиши уни конун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос булиши мумкин.

4.2 Ходим томонидан “Одоб-ахлоқ қоидалари”ни бузилиши холатлари жамият

маъсул шахслари томонидан доимий равишда рўйхатга олиб борилади.

4.3 Ходим томонидан “Одоб-ахлоқ коидалари”га риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юкори ва бошка лавозимларга тайинланиш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

4.4 Ушбу “Одоб-ахлоқ коидалари” меъёрларининг бузилишлари “Одоб-ахлоқ комиссияси” томонидан, комиссия бўлмаган тақдирда махсус таркибий бўлим томонидан куриб чиқилади.

4.5 “Одоб-ахлоқ коидалари”нинг бузилиши ҳолатларини “Одоб-ахлоқ комиссияси” ёки махсус таркибий бўлим томонидан куриб чиқилади ва натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги коида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида ҳулоса чиқариб, жамият раҳбарига коидалар бузилишини содир этган ходимни жавобгарликка тортиш тўғрисида тақлиф киритилади.

4.6 Жамият раҳбари “Одоб-ахлоқ комиссияси” ёки махсус таркибий бўлим томонидан киритилган тақлифни куриб чиқиб, ходимга нисбатан “Одоб-ахлоқ коидалари”нинг бузилишига йул қўймаслик тўғрисидаги “огохлантириш” билан чекланиши ёки белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида буйруқ чиқариши ёхуд тўпланган ҳужжатларни тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиши мумкин.

4.7 Ходим ўзи йўл қўйган коида бузилиши, коида бузилишининг куриб чиқилиши жараёни ҳақидаги ахборотни олиши ва зарур тақдирда ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиши, шунингдек, ўзи устидан қабул қилинган жамият қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят аризаси қилиш ҳуқуқига эга.

---

## **“Андижон ҳудудий электр тармоклари” АЖ “Одоб-ахлоқ комиссияси” нинг ЙҮРИКНОМАСИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар.**

1. “Андижон ҳудудий электр тармоклари корхонаси” АЖнинг Одоб-ахлоқ комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) “Андижон ҳудудий электр тармоклари корхонаси” АЖнинг барча таркибий бўлимлари ва хизматлари, шаҳар ва туман ЭТКларининг ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун тузилади.

2: Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Комиссия “Андижон ҳудудий электр тармоклари корхонаси” АЖ Бош директори буйруғи билан “Андижон ҳудудий электр тармоклари корхонаси” АЖнинг таркибий бўлим ва хизматлар ходимлари орасидан етти кишидан кам бўлмаган таркибда тузилади.

Комиссия таркибига хизмат фаолиятида салмоқли тажрибага эга, ташаббускор, ҳалол ва самарали меҳнати билан жамоа ўртасида обрӯ-эътиборга сазовор бўлган ходимлар киритилади.

4. Комиссиянинг сон ва шахсий таркиби “Андижон ҳудудий электр тармоклари корхонаси” АЖ бош директорининг буйруғи билан ўзгартирилиши мумкин.

5. Комиссия “Андижон ҳудудий электр тармоклари корхонаси” АЖ бош директорининг буйруғи билан муддатидан илгари уз фаолиятини тухтатиши мумкин.

### **2-боб. Комиссиянинг ваколатлари.**

6. Комиссия уз ваколатлари доирасида:

- “Андижон ҳудудий электр тармоклари корхонаси” АЖ ва унинг қуйи тизимлари ходимларининг “одоб-ахлоқ қоидалари» лойиҳасини ишлаб чиқади ва бош директорга тасдиқлаш учун киритади;

- комиссия фаолиятига доир масалалар юзасидан тегишли қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

- ходимлар томонидан “Андижон ҳудудий электр тармоклари корхонаси” АЖда амалда бўлган “одоб-ахлоқ қоидалари”га, шунингдек умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилиши масалаларини қўриб чиқади;

- ходимлар ўртасида қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

“одоб-ахлоқ қоидалари”нинг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳулосалар тайёрлайди;

“Андижон ҳудудий электр тармоклари корхонаси” АЖда амалда бўлган, барча ходимлар томонидан умумий қабул қилинган “одоб-ахлоқ қоидалари”ни бузадиган, ходимлар обрусига ва “Андижон ҳудудий электр тармоклари корхонаси” АЖ нуфузига

путур етказадиган хатти-харакатлар содир этилганлиги билан боглик мурожаатларини куриб чикади;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан айрим ходимлар хатти-харакатларига доир мурожаатларини куриб чикади;

ходимларнинг конун хужжатлари, ички меҳнат тартиби коидалари ва лавозим йуриқномаларида назарда тутилган уз ваколатларини амалга ошириши чогида узларининг хукуклари бузилишлари хакидаги аризаларини куриб чикади;

ходимларнинг шаъни ва кадр-кимматини химоя килиш хамда улар фаолиятининг бошка кафолатларини таъминлаш билан боглик масалаларни куриб чикади;

ходимлар томонидан амалда булган одоб-ахлоқ коидаларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга оширади ва одоб-ахлоқ коидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чикади;

“Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ рахбариятининг топширигига биноан ходимлар томонидан амалда булган “одоб-ахлоқ коидалари”га риоя этилиши холатини урганиб чикиб, унинг натижалари хакида рахбариятни хабардор килади;

“Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖнинг мажлисида уз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Комиссия хулосасини такдим этади;

комиссияга куриб чиқиш учун киритилган масалаларни хал этиш учун Комиссия мажлисларига экспертлар ва мутахассисларни таклиф этиб уларни фикр ва хулосаларини олади;

ходим томонидан “Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖда амалда булган “одоб-ахлоқ коидалари” бузилган такдирда, коидаларни бузган ходим хусусидаги зарур маълумотларни тегишли муассасалардан сураб олади;

комиссия уз фаолиятини ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

7. Комиссия “Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ таркибий булимлари, хизматлар ва барча электр таъминоти корхоналари, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан хамкорлик килади.

8. Комиссия масалаларни “Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ рахбариятининг топширигига биноан уз ваколатлари доирасида куриб чикади.

### **3-боб. Комиссия ишини ташкил этиш**

9. Комиссия мажлислари заруриятга караб утказилади.

Комиссия мажлислари очик тарзда утказилади, зарур холатларда Комиссия ёпик мажлис утказиш тугрисида карор кабул килиши мумкин.

10. Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йуклигида эса, унинг топширигига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, баённома раислик килувчи томонидан имзоланади.

11. Комиссия мажлислари, агар Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми хозир булса, ваколатли хисобланади.

12. Комиссиянинг мажлиси тугрисида Комиссия раиси Комиссия аъзоларига ёзма равишда, камида икки кун олдин хабар килади, шунингдек мажлисининг бошка иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

13. Комиссия куриб чиқилаётган масалалар юзасидан карорларни Комиссиянинг купчилик овози билан кабул килади. Комиссия карорини унинг мажлисида раислик килувчи томонидан имзоланади.

14. Комиссия раиси:

- комиссия ишини ташкил этади;

-комиссия мажлисларини чакиради ва ўтказида;

- комиссия аъзоларига топшириклар беради;

“Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ таркибий булимларида, хизматлар ва барча электр таъминоти корхоналарида, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан булган муносабатларда Комиссия номидан иш куради;

“Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ мажлисларида Комиссия фаолияти тугрисида ахборот билан сузга чиқади;

хар йили “Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ рахбариятига Комиссия фаолияти тугрисидаги хисоботни такдим этади.

15. Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида хозир булиши ва узига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида хозир булш имкони булмаганда Комиссия раисини олдиндан хабардор этиши шарт.

16. Комиссия аъзоси:

Комиссия томонидан куриб чиқилдиган барча масалалар буйича овоз беришга;

Комиссия куриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;

карорлар тайёрланишида, уларнинг муҳокамасида, карор қабул килинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш ҳамда бажарилишини назорат килишда иштирок этишга;

куриб чиқилаётган масалага доир хужжатлар, маълумотномалар ва бошка зарур ахборот билан танишиб чиқишга;

Комиссия карорига рози булмаган такдирда уз нуктаи назарини баён этишга ҳакли ҳисобланади.

Комиссия аъзоси ушбу Низомга мувофиқ бошка ҳуқуқларга ҳам эга булиши мумкин.

#### **4-боб. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши билан боғлиқ масалаларни куриб чиқиш тартиби.**

17. Комиссия “одоб-ахлоқ қоидалари”нинг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:

“Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ рахбариятининг топширигига биноан;

тизимда фаолият курсатувчи ходимларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;

уз ташаббуси билан куриб чиқиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда куриб чиқилади.

18. Ходим узининг ҳуқуқи, шаъни ва кадр-қиммати, обрусига дахл қилдиган асоссиз ариза такдим этилган такдирда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни ҳимоя қилишга ҳакли.

19. Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва ҳолисона қарор қабул қилиш мақсадида, узига нисбатан масала куриб чиқилаётган ходим, зарур булган ҳолларда аризачилар ва бошка шахслар таклиф этади.

Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги аризани ёқи шикоятни, “Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ рахбариятининг топширигини куриб чиқиш учун тусқинлик қилмайди.

20. Комиссия мажлисида:

қонун тартибидаги масала уқиб эшиттирилади;

“Андижон худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ рахбариятининг

топшириги ёки такдим килинган “ходимларнинг одоб-ахлоқ коидалари” бузилганлиги тугрисидаги мурожаат укиб эшитгирилади;

“Одоб-ахлоқ коидалари” бузилганлиги тугрисида узига нисбатан шикоят ёки ариза тушган ходим, зарур булган холларда эса, аризачи эшитилади.

21. Ходим Комиссияга уз хукуклари, шаъни ва кадр-кимматининг химояси учун материаллар ҳамда бошка ахборотни такдим этишга ҳақли.

22. Ариза материаллари, “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ раҳбариятининг топшириги билан Комиссия танишиб чиқиш яқунлари бўйича ходимнинг ҳаракатларида ходимларнинг одоб-ахлоқ коидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини, ходимга нисбатан аниқ таъсир курсатиш чораларини курсатган холда ёхуд ходимнинг ҳаракатларида ходимларнинг одоб-ахлоқ коидалари бузилиши фактининг мавжуд эмаслигини белгилайди.

23. “Одоб-ахлоқ коидалари”нинг ходим томонидан бузилганлиги факти аниқланган такдирда, Комиссия:

ходимга нисбатан оғохлантириш тарзидаги таъсир курсатиш чорасини куллаш ;

“Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ раҳбариятига ходимни Ўзбекистон Республикаси МКнинг 181-моддасида белгиланган асосларга кура интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида таклиф киритиш тугрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

24. Ходимнинг ҳаракатларида “одоб-ахлоқ коидалари” бузилиши фактининг мавжуд эмаслиги аниқланган такдирда, мурожаат қуриб чиқилмайди.

25. Комиссия қабул қилинган қарор ҳақида аризачига, узига нисбатан масала қуриб чиқилаётган ходимга ва “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ раҳбариятига ёзма равишда маълумот тайёрлайди.

26. Комиссия қарори устидан “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ раҳбариятига шикоят қилиниши мумкин. “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ раҳбарияти Комиссия қарорини бекор қилишга ва уз ваколати доирасида бошка қарор қабул қилишга ҳақли.

27. Ходим томонидан одоб-ахлоқ коидалари бузилгани ҳақидаги мурожаат унинг ташаббусқори томонидан Комиссия қарори қабул қилингунига қадар қайтариб олинishi мумкин.

28. Тарафларнинг ярашуви, шунингдек ходим уз хоҳиши билан ошқора узр сураган холларида, узига нисбатан таъсир чоралари кулланилишидан озод этилиши мумкин.

---